

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI**340 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий
назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилинганлиги муносабати билан ҳамда бюджет қонунчилигига риоя қилиш ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан давлат назоратини янада кучайтириш, шунингдек молиявий назорат нормалари, қоидаларини ва унинг қатнашчилари ваколатларини тизимлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, ҳудудий молия органлари ва газначилик бўлинмалари, бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағларини олувчилар раҳбарларининг эътибори бюджет қонунчилигига қатъий ва оғишмай риоя қилишни таъминлаш зарурлигига қаратилсин ва улар бюджет қонунчилиги бузилганлиги учун шахсан жавоб бериши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 30 июнь,
173-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-
тафтиш бошқармалари тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда НТББ деб аталади) ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. НТББ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига бўйсунди.

3. НТББнинг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган назорат-тафтиш бошқармалари бўлади, улар ўз фаолиятида бевосита НТББга бўйсундилар.

4. НТББ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қиладилар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари думалоқ муҳрга, штампга, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган бланкаларга эга бўлади ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида очилган газна ҳисобварақлари орқали бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан маблағ билан таъминланадилар.

**II. НТББ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш
бошқармаларининг вазифалари**

6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш НТББнинг ҳамда Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

7. Шунингдек, НТББнинг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг вазифаларига қуйидагилар юзасидан давлат назоратини амалга ошириш киради:

молия органлари ва газначилик бўлинмалари, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек бюджет тизими бюджетларининг ижроси билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилишининг таъминланиши;

бюджет ва смета-штат интизомига риоя қилиниши;

бюджет тизими бюджетларининг харажатлари ижроси;

бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширишнинг навбатлилиги, муддатларига риоя этилиши ва тўлиқлиги;

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини амалга ошириш учун марказлаштирилган манбалардан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши;

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик муассасалари томонидан чет эл валютасидаги маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши;

пенсиялар ва нафақаларнинг тўғри тайинланиши, ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши;

тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг фаолияти;

бюджет ссудалари ва кредит линияларидан мақсадли фойдаланилиши;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлардан (қарзлардан) мақсадли фойдаланилиши;

мурувват ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши;

давлат харидлари бўйича ўтказилган тендер (танлов) савдоларининг тўғрилиги;

давлат валюта маблағларининг тўғри ва белгиланган мақсадда сарфланиши;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши, тўловларнинг ўз вақтида ўтиши, ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши;

пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича статистика ҳамда бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги;

пахта тозалаш корхоналари томонидан қабул қилинадиган, сақланадиган ва қайта ишланадиган пахта хом ашёсининг миқдори ва сифати бўйича маълумотларнинг ҳаққонийлиги, хом ашёни қайта ишлаш чоғида олинадиган

ган пахта толаси, пайдо бўладиган куйиндилар ҳамда бошқа чиқиндиларнинг белгиланган меъёрларига риоя этилиши;

навларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши, белгиланган стандартларга ва селекция навлари жойлаштирилишига мувофиқ уруғлик чигитларни тайёрлаш ҳамда пахтачилик хўжалиklarининг уруғлик чигитлар билан таъминланиши.

III. НТББ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг функциялари

8. НТББ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

тегишли бюджетларнинг ижроси бўйича ҳудудий молия органлари ва газначилик бўлинмалари фаолияти юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари томонидан бюджет қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик муассасалари томонидан чет эл валютасидаги маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет ссудаларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

кредит линиялари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлардан (қарзлардан) мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини амалга ошириш учун марказлаштирилган манбалардан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширишнинг навбатлилиги, тўлиқлиги ва муддатларига риоя этилиши, иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловларга нақд пул берилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари учун кам таъминланган оилаларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

давлат харидлари бўйича ўтказилган тендер (танлов) савдоларининг тўғрилиги юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги томони-

дан аниқланган ташкилотларнинг бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланишини, бюджетдан маблағ олувчиларнинг кредиторлик қарзлар суммасини асоссиз равишда кўпайтирганлигини кўрсатувчи ҳолатлар бўйича текширишлар ўтказиш;

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши, тўловларнинг ўз вақтида ўтиши, ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан давлат молиявий назоратини таъминлаш;

мурувват ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

навларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши, пахтачилик хўжаликларига ажратиладиган уруғлик чигитларнинг техник талабларга ва ғўза навларини жойлаштириш бўйича белгиланган топшириқларга мувофиқлиги юзасидан текширишларни амалга ошириш;

минтақалар бўйича пахтачилик хўжаликларидан пахта тозалаш корхоналарига қабул қилинган пахта хом ашёси тўғрисидаги маълумотларни (худудий бошқармаларнинг ПК-17 қабул қилиш қвитанциялари асосида тузилган ҳар кунги маълумотларидан келиб чиққан ҳолда) тайёрлаш, маълумотларни йиғиб-териб олинган пахта учун ҳақ тўлаш ва белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиш мақсадида Молия вазирлигининг Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасига тақдим этиш;

топширувчи хўжаликдан тайёрлов пунктига келадиган пахта хом ашёси юкланган транспорт бирлиги топшириш-қабул қилиш ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлигини назорат ва тафтиш қилишни амалга ошириш;

пахта хом ашёси юкланган транспорт бирлигининг тарозида тўғри тартиб кўрилиши, унинг физик массаси аниқланиши, пахта хом ашёсидан намуна олиш тартибига риоя қилиниши ва кейинчалик лабораторияда сифатини баҳолаш учун пахта хом ашёсининг хўжалик бўйича ўртача намунаси шакллантирилишини танлаб назорат қилишни амалга ошириш;

лабораторияда аниқланган сорти, намлиги ва ифлосланганлигини ҳисобга олган ҳолда пахта хом ашёси кондиция массасини ҳисоблашнинг, шунингдек топширувчи хўжаликка бериладиган қабул қилиш қвитанцияларини ҳамда пахта хом ашёсини қабул қилиш бўйича бошқа бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштиришнинг тўғрилиги юзасидан текширишларни амалга ошириш;

пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик регламентига риоя этилишини танлаб назорат қилишни амалга ошириш;

пахта тозалаш корхоналарида қайта ишланган пахта хом ашёси туркумлларини, олиннадиган пахта маҳсулоти (тола, момик, чигит)нинг ҳақиқий миқдорини, ишлаб чиқаришда куйиндилар пайдо бўлиши кўрсаткичларини аниқлаган ҳамда уларни ғўзанинг селекция ва саноат навлари бўйича тас-

диқланган нормативлар билан таққослаган ҳолда комиссия текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш;

хом ашё ва тайёр пахта маҳсулоти баланси ижросини, унинг фойдаланувчиларга етказиб берилишини ва амалдаги қолдиқларини ҳисобга олган ҳолда, текширишларни амалга ошириш;

статистика ва бухгалтерия ҳисоботининг хом ашё ҳамда пахта тозалаш корхонасидаги тайёр маҳсулотнинг амалдаги ҳаракатига, уни экспортга ва республика фойдаланувчиларига жўнатиш ҳажмига мувофиқлигини текшириш;

хом ашёдан фойдаланиш ва пахта маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича хатлов маълумотларининг тасдиқланган нормативларга мувофиқлигини тафтиш қилишни амалга ошириш;

пахта хом ашёси ҳамда ундан ишлаб чиқариладиган пахта маҳсулотларининг миқдори ва сифатини ҳамда уларнинг ҳисоботда акс эттирилишини баҳолаш бўйича текширишларни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида пенсия ва нафақаларнинг тўғри тайинланиши, ҳисобланиши ва тўланишини, шунингдек фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончилиги юзасидан текширишларни амалга ошириш;

барча ташкилотлар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсия ва нафақаларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан текширишларни амалга ошириш;

фуқароларга пенсия ва нафақаларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва «O‘ZBEKISTON ROCHTASI» АЖ ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши юзасидан тизимли назоратни олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилган бошқа харажатларнинг тўғрилигини текшириш;

тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари хизмати фаолиятини назорат қилиш;

ўтказилган тиббий-эксперт текширишларнинг тўғрилиги ва асосланганлигини, шу жумладан даволаш-профилактика муассасалари томонидан берилган дастлабки тиббий ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини текшириш;

тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган кўриқдан ўтказиш далолатномаларини ва ҳулосаларни, зарурат бўлганда, мустақил экспертларни жалб этган ҳолда қайта экспертизадан ўтказиш;

тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими мутахассисларини жалб этган ҳолда доимий равишда текшириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини НТББнинг ваколати доирасида кўриб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг фаолиятини текшириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

тафтишлар ва текширишлар натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларига тақдимномалар тайёрлаш;

қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текширишлар ўтказиш;

марказлаштирилган топшириқлар бўйича давлат назорати ҳужжатларини умумлаштириш, улар юзасидан тегишли ахборотлар ва таклифлар тайёрлаш;

бюджет қонунчилигининг аниқланган характерли бузилишлари бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш ҳамда келгусида уларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишга доир таклифлар тайёрлаш.

9. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

тегишли бюджетларнинг ижроси бўйича ҳудудий молия органлари ва газначилик бўлинмалари фаолияти юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари томонидан бюджет қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет ссудаларидан, кредит линиялари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлардан (қарзлардан) мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

давлат инвестиция дастурларини амалга ошириш учун марказлаштирилган манбалардан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширишнинг навбатлилиги, тўлиқлиги ва муддатларига риоя этилиши, иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловларга нақд пул берилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари учун кам таъминланган оилаларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

давлат харидлари бўйича ўтказилган тендер (танлов) савдоларининг тўғрилиги юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

газначилик бўлинмалари томонидан аниқланган ташкилотларнинг бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланишини, бюджетдан маблағ олувчиларнинг кредиторлик қарзлар суммасини асоссиз равишда кўпайтирганлигини кўрсатувчи ҳолатлар бўйича текширишлар ўтказиш;

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши, тўловларнинг ўз вақтида ўтиши, ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан давлат молиявий назоратини таъминлаш;

мурувват ёрдами ва техник қўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

пахтачилик хўжаликларидан пахта тозалаш корхоналарига қабул қилинган пахта хом ашёси ҳажмлари тўғрисидаги дастлабки ахборотларни (ПК-17 қабул қилиш қвитанциялари асосида) жойларда ҳар куни тўплаш, маълумотларни минтақалар даражасида умумийлаштириш ҳамда пахта хом ашёсини қабул қилиб олишнинг ҳар кунги ҳажмлари ва мавсум бошидан бошлаб ортиб боровчи яқунлари бўйича умумлаштирилган маълумотларни тайёрлаш учун НТББга бериш;

Молия вазирлигига «1 — пахта» шакли бўйича пахтачилик хўжаликлари, туманлар ва вилоятлар бўйича ортиб боровчи яқун билан пахта хом ашёси тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги статистика ҳисоботининг ПК-17 қабул қилиш қвитанциялари асосидаги дастлабки ахборот маълумотларига мувофиқлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмаларида пенсия ва нафақаларнинг тўғри тайинланиши, ҳисобланиши ва тўланишини, шунингдек фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги юзасидан текширишларни амалга ошириш;

барча ташкилотлар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсия ва нафақаларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан текширишларни амалга ошириш;

фуқароларга пенсия ва нафақаларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва «O'ZBEKISTON POCHTASI» АЖнинг жойлардаги бўлинмалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли назоратини олиб бориш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари ваколатлари доирасида кўриб чиқиш;

тафтишлар ва текширишлар натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига, шунингдек тегишли давлат бошқаруви органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларига тақдимномалар тайёрлаш;

конун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган

бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текширишлар ўтказиш;

марказлаштирилган топшириқлар бўйича давлат назорати ҳужжатларини умумлаштириш, улар юзасидан тегишли ахборотлар ва таклифлар тайёрлаш;

бюджет қонунчилигининг аниқланган характерли бузилишлари бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш ҳамда келгусида уларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишга доир таклифлар тайёрлаш.

IV. НТББ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун улар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли бюджетларнинг ижроси бўйича ҳудудий молия органлари ва разначилик бўлинмалари фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш;

бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари томонидан бюджет қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

ҳудудий молия органлари ва бюджет ташкилотларида пул ва моддий бойликлар мавжудлигини ҳамда бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоботлар, сметалар ва бошқа ҳужжатларни текшириш;

бюджет ссудаларидан мақсадли фойдаланилишини текшириш;

кредит линиялари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлардан (қарзлардан) мақсадли фойдаланилишини текшириш;

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик муассасалари томонидан чет эл валютасидаги маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилишини текшириш;

давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг мақсадли сарфланишини текшириш;

банклардан, давлат солиқ хизмати органларидан, разначилик бўлинмаларидан, шунингдек вазирликлар ва идоралардан тафтишлар ва текширишларни ўтказиш пайтида пайдо бўладиган масалалар бўйича маълумотлар ва ахборотларни олиш;

махсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг экспертлари ва мутахассисларини жалб этиш;

назорат объектининг мансабдор ва масъул шахсларидан тафтишлар ва текширишлар давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек назорат натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни имзолашни талаб қилиш;

назорат объекти мансабдор ва масъул шахсларининг тушунтиришлар бериш ва назорат натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни имзолашдан бош тортганликлари тўғрисидаги далолатномани тузиш;

зарур ҳолларда касса ва касса бинолари, омборлар, архивлар ва бошқа биноларни муҳрлаш, қалбаки, сохталаштирилган ҳужжатлар ва бошқа суиистеъмолликлар аниқланган тақдирда эса назорат объекти ҳужжатларини олиб қўйиш, шунингдек назорат объекти мансабдор шахсларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар хатловдан ўтказилишини талаб қилиш;

пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлашнинг бутун даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг топшириғи ва у тасдиқлаган жадвал бўйича пахта тозалаш корхоналарини тайёрланаётган, қайта ишланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёси миқдори ва сифати масалалари юзасидан текшириш ва тафтиш ишларини ўтказиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг бажарилишини таъминламаётган, қўшиб ёзишлар, суиистеъмолликлар ва ҳисоботлар бузилиши учун шарт-шароитларни вужудга келтираётган пахта тозалаш корхоналари ва уларга қарашли бўлинмалар ишларини тўхтатиб қўйиш;

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, пахта тозалаш корхоналари ва ҳудудий бирлашмалар мансабдор шахсларига текширишлар ва тафтишлар натижасида аниқланган пахта хом ашёси ва унинг маҳсулотлари миқдори камомадини ҳисоботдан чиқариб ташлаш тўғрисида ёзма буйруқлар бериш;

тафтишлар ва текширишлар натижаларида аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш, мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомадини ундириш, назорат объекти айбдор шахсларини жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли таклифлар киритиш;

тафтишлар ва текширишлар натижасида назорат объекти мансабдор шахсларининг ҳаракатларида жиноят белгилари бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирда назорат материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш.

11. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари қуйидагиларга мажбур:

юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши юзасидан ишларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш;

давлат молиявий назорати натижаларига доир ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

давлат сирларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва НТББ раҳбариятини бюджет қонунчилигининг аниқланган характерли бузилиши ҳоллари тўғрисида хабардор қилиш;

мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларини сўзсиз бажариш.

V. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг ташкилий тузилмаси

12. НТББ кўйидаги ташкилий тузилмага эга:

- а) бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси;
- б) пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисоботнинг тўғри-лигини назорат қилиш бошқармаси;
- в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалар маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бошқармаси;
- г) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш бошқармаси;
- д) ташкилий-услубий ишлар бўлими;
- е) мурувват ёрдамидан ва техникавий кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш шўъбаси.

13. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари кўйидаги ташкилий тузилмага эга:

- а) бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлими;
- б) ташкилий-услубий ишлар бўлими;
- в) инвестиция дастурларига ажратиладиган марказлаштирилган маблағлардан ва Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш бўлими;
- г) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бўлими;
- д) Давлат харидлари бўйича тендер (танлов) ўтказилишини назорат қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижросини назорат қилиш бўлими;
- е) Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалар маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бўлими.

14. НТББга Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқ бошчилик қилади.

15. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқ бошчилик қилади. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи айти вақтда НТББ бошлигининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқлар бошчилик қилади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқлар бошчилик қилади. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлимлари бошлиқлари айти вақтда Қорақалпо-

ғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ҳисобланади.

**VI. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш
бошқармалари ишларини ташкил этиш**

18. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари ўз ишларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва НТББ бошлиғи томонидан тасдиқланадиган йиллик режалар бўйича амалга оширади.

19. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари зарур ҳолларда режадан ташқари тафтишлар ва текширишларни амалга оширади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текшириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан қўшимча равишда келишилмасдан амалга оширилади. Бунда ушбу текширишлар тасдиқланган режаларга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруқларига мувофиқ амалга оширилади.

**VII. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш
бошқармаларининг кадрлар таркиби**

20. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг кадрлар таркиби барқарор ҳаётий принципларга эга бўлган юқори малакали мутахассислардан ва иқтисодиёт ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг профессионал тайёргарлик кўрган ёш битирувчиларидан бутланади.

21. НТББ ходимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари бошлиқлари аттестацияси ҳар 3 йилда ўтказилади. Аттестацияни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан ўрнатилган тартибда белгиланади.

**VIII. НТББ бошлиғининг ва Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-
тафтиш бошқармалари бошлиқларининг ҳуқуқ ва
мажбуриятлари**

22. НТББ бошлиғи ўзига юкланган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва ишдан ишга ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жазолар қўллаш тўғрисида таклифлар киритиш;

хатлар, хизмат гувоҳномаларини ва ходимларга тафтишлар ва текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи бир марталик ёзма кўрсатмаларни имзолаш.

23. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиқлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига назорат-тафтиш бошқармалари ходимларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва ишдан ишга ўтказиш бўйича таклифлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жазолар қўллаш ҳамда ходимларнинг хизмат сафарларига бориши тўғрисида буйруқлар чиқариш;

хатлар, хизмат гувоҳномаларини ва ходимларга тафтишлар ва текширишлар ўтказиш ҳуқуқини берувчи бир марталик ёзма кўрсатмаларни имзолаш.

24. НТББ ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиқлари ўзларига юкланган вазифаларни амалга оширишда қўйидагиларга мажбур:

юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан ишларни ташкил этиш;

тафтиш ва текширишларни ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш;

амалий малака оширишга, ижро ва меҳнат интизومي мустаҳкамланишига доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат сирларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 18 мартдаги 103-сон қарорининг 3-бандидаги «бюджетдан молиялаштириладиган барча муассасалар ва ташкилотлар» сўзлари «барча бюджет ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1999 йил 21 майдаги 263-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 27-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг бешинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» ва «давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитаси» ва «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармасидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорининг 2-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) «давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар» сўзлари «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда):

а) 4-банднинг олтинчи хатбошидаги «давлат бюджетига» ва «хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига» ва «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 13-бандидаги «давлат бюджетига» ва «хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига» ва «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 32-банди иккинчи хатбошидаги «давлат бюджетига» ва «хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига» ва «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 14 ноябрдаги 512-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 120-модда) қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармаси маблағларини, шу жумладан сотиб олинган давлат активлари ҳақини бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутувчи шартномалар бўйича тушадиган маблағларни тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан ҳар ойда, қонун ҳужжатларида белгиланган нисбатларда амалга оширилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фао-

лиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарорининг 4-банди учинчи хатбошидаги «давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағларнинг беш фоизи» сўзлари «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармасидан тушадиган маблағлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 йил, 10-сон, 77-модда):

а) 1-иловада:

20-банддаги «бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банддаги «Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга» ва «давлат бюджетига» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига» ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 10-банди тўртинчи хатбошидаги «давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлардан» сўзлари «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармасидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тўғрисида» 2007 йил 25 сентябрдаги 202-сон қарорида:

а) 1-банддаги «Давлат рақобат қўмитасининг махсус ҳисоб рақамида» сўзлари «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг изоҳидаги «Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартиби» сўзлари «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармаси маблағларини тақсимлаш тартиби» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 12-сон, 84-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7 ва 14-бандларидаги «Давлат рақобат қўмитасининг махсус вазначилик ҳисоб рақамида» сўзлари «Давлат мулкани хусусийлаштириш-

дан тушадиган маблағлар жамғармасининг ҳисоб рақамларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри ҳокимлигининг муниципал мулк объектларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 6 июлдаги 199-сон қарорининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича муниципал мулк объектларини сотишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармаси маблағларини тақсимлаш тартибига мувофиқ амалга оширилади».

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 94-модда):

а) 4-банддаги «маблағлар» сўзи «бюджет маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 11-банди еттинчи хатбошидаги «давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан, янгидан таъсис этилаётган давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотишдан тушган маблағларни Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларининг махсус газначилик шахсий ҳисоб рақамларида жамлаш» сўзлари «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармаси маблағларини жамлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 30 июндаги 173-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 11 февралдаги 66-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ-3161-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 69-модда) 3-банди, шунингдек қарорга 2-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ–59-сон Қонуни)» 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда) 1-илова 34-бандининг «б» кичик банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарорлари) 2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 3-сон, 12-модда) 1-илованинг 17-банди ва 26-бандининг «в» кичик банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-мехнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарори) 2010 йил 11 ноябрдаги 250-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 11-сон, 59-модда) илова 1-бандининг «г» кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 24-модда) 3-илова 3-бандининг «г» кичик банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ–1645-сон қарори) 2012 йил 3 февралдаги 30-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 6-модда) илова 6-бандининг учинчи хатбоши.